

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

24-сон
(888)
2019 йил
17 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

441. «Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПФ-5738-сон Фармони [Кўчирма]
442. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПК-4354-сон қарори

Бешинчи бўлим

443. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 22-2019-қ/қ-сон, 79-сон «Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ад-

лия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 865-1)

444. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 18 майдаги 11/8-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-2*)
445. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 5, 13, 69-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3166*)
446. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 27 майдаги 198-сон «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-7*)
447. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 77, 65-сон «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-2*)
448. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2019 йил 1 июндаги 9-мх-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) ша-роитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685-1*)
449. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вази-рининг 2019 йил 3 июндаги 23-2019-Б-сон «Чет тили бўйича малака им-тиҳонида иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш

тарифини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3167*)

450. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 майдаги 265/7-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-2*)
451. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 253-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 987-1*)
452. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 254-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2741-1*)
453. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 120-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-2*)
454. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 121-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 8 июндан 14 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

441 Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳарларнинг резерв ва имкониятларини тўлиқ ишга солиш, бу борадаги стратегик ва энг муҳим истиқболли вазифаларни самарали ҳал этишда давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида иловага** мувофиқ 12 та штат бирликдан иборат Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан мувофиқлаштирилиши белгилансин.

2. Бўлимнинг штат бирликлари Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасининг 2 та ва Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаментининг 10 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

3. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларини, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрини, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини ва Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё тумани Шарғун шаҳарчасини (кейинги ўринларда шаҳарлар деб аталади) ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлаш;

шаҳарлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

шаҳарларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилмаган резерв ва имкониятларини тўлиқ ишга солиш, меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, мавжуд минерал-хом ашё ресурсларидан, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кенгайтириш, субвенциявийлигини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни белгилаш;

давлат бошқарув органлари ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда шаҳарларнинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, минерал-хом ашё ва қишлоқ ҳўжалиги хом ашёсини саноат йўли билан чуқур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқаришни барпо этиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шу асосда экспортга етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтириш бўйича дастурий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш, ўз вақтида ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни аниқлаб, уларни тезкор ҳал этиш, шу жумладан қабул қилинган ҳудудий дастурларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

шаҳарларда аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш, харид қобилияти даражасини ошириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолини электр энергияси, табиий газ ва кўмир билан узлуксиз таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

шаҳарларда «Обод маҳалла» дастури, шу жумладан муҳандислик, йўл-транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар даражаси ва сифатини тубдан ошириш, сифатли ичимлик суви ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

шаҳарлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, фаол тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш;

шаҳарларни ривожлантириш бўйича республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмаларини жалб қилган ҳолда ўз вақтида ҳамда тўлақонли ҳал этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Белгилансинки:

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади;

шаҳарларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати йиғилишларида кўриб чиқилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлимига бириктириладиган давлат бошқаруви органлари ҳамда ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотлар рўйхатини белгиласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бўлимни молиялаштириш, шу жумладан, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 июнь,
ПФ-5738-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**442 Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида***

Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга ва халқаро амалиётга мос бўлиши зарур. Шу муносабат билан фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини, шу жумладан миллий қадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдиган аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда.

Бу эса, ахборот-кутубхона фаолиятига, китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондларни тўлдириш ва сақлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолият, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга жиддий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янада ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалар этиб белгилансин:

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини ислоҳ қилиш;

аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш бўйича ижтимоий кафолатларни сифатли таъминлаш ҳамда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

худудларда аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни барқарор ривожлантиришга қўмаклашиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан янги бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш;

кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, хусусий ва электрон (виртуал) кутубхоналар тармоғини ривожлантириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июнда эълон қилинган.

кутубхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш (шу жумладан, пулли хизмат кўрсатиш) тезкорлигини ошириш учун электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

ахборот-кутубхона муассасалари хавфсизлигини ҳамда миллий ва жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ахборот-кутубхона фондларининг яхши сақланишини таъминлаш;

жамиятнинг ахборот маданиятини, тарихимизга ва миллий маданиятга қизиқишини шакллантириш ва кучайтириш, мутолаа маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш;

ахборот-кутубхона муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Қўйидагилар:

а) 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

б) 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

в) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс марказининг ташкилий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

г) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс марказининг (кейинги ўринларда — Миллий кутубхона) ходимлар умумий чекланган сони 227 нафардан иборат бошқарув аппарати тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий кутубхона директориға, зарур ҳолларда, Миллий кутубхона бошқарув аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг икки фоизини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

махсус, касб-хунар таълими муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиш;

умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларининг китоб фондлари ва штат бирликларини янгидан ташкил қилинаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига бериш;

ахборот-ресурс марказларини тугатишда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кутубхоналарини амалдаги нормативларга мувофиқ тегишли китоб фонди ва штат бирликлари билан бирга сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Қуйидагилар янги ташкил этилаётган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш учун сифат жиҳатидан янги ва қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ахборот технологиялари асосида уларнинг илмий, таълим, ахборот ва маданий эҳтиёжларини қондириш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ижтимоий мослашув ва реабилитация, мустақил таълим олиш ва мулоқот доирасини кенгайтириш воситаси сифатида ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

фойдаланувчиларга ҳар қандай (босма, мультимедиа ва рақамли) ташувчиларда, шу жумладан Интернет тармоғида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

ўз ахборот-ресурсларини яратиш ва уларни сифатли тўлдириб бориш орқали китобхонларга анъанавий хизмат кўрсатиш усулидан уларни замонавий ахборот-кутубхона хизматлари билан таъминлашга ўтиш;

аҳолига ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш бўйича масофадан хизматлар кўрсатишни ривожлантириш ва модернизация қилиш.

6. Агентлик:

бир ой муддатда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ҳамда уларни компьютер техникаси ва бошқа турдаги оргтехника, мебель, шу жумладан махсус мебель, шунингдек, тегишли кутубхона ускуналари билан жиҳозлаш бўйича талабларни ишлаб чиқсин, бунда имконияти чекланган шахсларга хизмат кўрсатиш учун ўқув залларини махсус компьютер жиҳозлари ва бошқа қўшимча воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг Интернет тармоғига уланишини ва улар учун Миллий кутубхона электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ахборот-кутубхона марказлари фаолиятининг регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда аҳолига куни узайтирилган тартибда хизмат кўрсатилишини кўзда тутсин;

аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар (тил ўргатиш, компьютер курсларини ташкил этиш, матнли, аудио ва видеоматериаллар нусхаларини яратиш, шунингдек, бошқа кутубхона хизматлари) рўйхатини кенгайтириш орқали ахборот-кутубхона марказларининг бюджетдан ташқари даромадларини ошириш чораларини кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Агентлик томонидан ишлаб чиқилган туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ва жиҳозлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда:

икки ой муддатда туманлар (шаҳарлар) марказларида туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини жойлаштириш ва уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун биноларни белгиланган тартибда ажратсин;

ажратилган биноларни капитал таъмирлашни таъминласин, бунда туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг ўқув залларида ва бошқа умумий фойдаланиладиган хоналарида имконияти чекланган шахслар тўсиқсиз фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратсин, шунингдек, уларни зарур ускуна ва техника билан жиҳозласин;

б) туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича тегишли ишларни амалга оширсин ва ушбу марказларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрсин;

в) умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини тугатиш натижасида ишдан бўшаган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки:

Миллий кутубхонанинг қўшимча штат бирликларини сақлаш харажатлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрида ижтимоий соҳага мўлжалланган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини сақлаш харажатлари туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларини сақлаш учун кўзда тутилган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

янги ташкил этиладиган ахборот-кутубхона марказларини кадрлар билан тўлдириш биринчи навбатда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган малакали кадрлар ҳисобига амалга оширилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари биноларини капитал таъмирлаш ҳамда уларни замонавий ускуна ва техникалар билан жиҳозлашни молиялаштириш умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тугатилаётган ахборот-ресурс марказларининг

мақбуллаштирилаётган бюджет ажратмалари, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг прогнози ошириб бажаришдан олинadиган даромадлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари кутубхона фондларини тўлдириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари, Жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Маданият вазирлиги ҳамда Агентлик билан биргаликда кутубхоначилик иши соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида соҳага ихтисослашган олий ўқув юртларига «Кутубхона-ахборот фаолияти» йўналиши бўйича ўқишга қабул квоталари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шу жумладан ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналарни ташкил қилиш (такомиллаштириш);

идоравий кутубхоналарнинг китоб фондини ва моддий-техника базасини яратиш, янгилаш ва тўлдиришни ушбу мақсадлар учун давлат органларига бюджетдан ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

Агентлик таклифлари асосида идоравий кутубхоналарнинг китоб фондини янгилаш ва тўлдириш учун зарур нашрлар рўйхатини ҳар йили шакллантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 21 майни Кутубхоначилар куни деб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда кутубхоначиларни кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилсин.

Агентлик бир ой муддатда «Кутубхоначилар кунини белгидалаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

12. Агентлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори вазифасини бажарувчи К.И. Алламжонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 июнь,
ПҚ-4354-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 7 июндаги
ПҚ-4354-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида
ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Кириш

2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) республика ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари, устувор йўналишлари ва механизмларини белгиловчи қарашларнинг ягона ва бир бутун тизимини ўзида акс эттиради.

Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилиш шароитларида мамлакатда кечаётган ўзгаришлар ва халқаро амалиётга мувофиқ бўлмоғи лозим.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ахборот-кутубхона фаолиятини ахборот ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш асосида ташкил қилишга йўналтирилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ахборот-кутубхона фаолиятига ҳар томонлама: фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, фондларни жамлаш ва сақлаш жараёнлари, ахборот-кутубхона иш жараёнларини автоматлаштириш, илмий тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолият, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, халқаро ҳамкорликка таъсир кўрсатади.

Жамиятда юксак маънавий қадриятларнинг қарор топиши ахборот-кутубхона муассасалари олдида шахсга эътиборни кучайтириш, унинг умуммаданий даражасини ошириш, маънавиятини юксалтириш, одоб-ахлоқ жиҳатдан тарбиялаш каби вазифаларни қўяди.

Ҳозирги жамиятда ахборот-кутубхона муассасалари ахборот олиш, маданий-маърифий ва таълим муассасаси сифатида намоён бўлади.

Миллий маданиятни чуқур англаш, унинг ривож ва эволюциясини таҳлил қилишда республиканинг универсал фондга эга бўлган ахборот-кутубхона муассасалари алоҳида аҳамият касб этади. Таълим муассасалари мақомини ошириш, тармоқ илмий ахборот-кутубхона муассасаларининг илмий ва ахборот салоҳиятини, шунингдек, ахборот-кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, мамлакатдаги хусусий ва рақамли (виртуал) ахборот-кутубхона муассасалари тармоғини ривожлантириш зарурати юзага келмоқда.

Болалар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар гуруҳи (имконияти чекланган инсонлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кўп болали оилалар ва бошқалар) ахборот-кутубхона муассасаларининг алоҳида эътиборини талаб этади.

Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамятига кириш, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборининг ортиши ахборот-кутубхона муассасалари зиммасига мамлакатда бўлаётган ислохотларга кўмаклашиш, аҳолига тезкор ахборот тақдим этиш бўйича қатор мажбуриятларни юклайди.

Янги технологияларнинг татбиқ этилиши, ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ахборот тарқатиш функцияларининг амалга оширилиши ҳамда ахборот олиш имкониятини таъминлаш автоматлаштириш ва компьютерлаштириш кўлами ва суръатларига боғлиқдир.

Ахборот-кутубхона соҳасини ислоҳ қилиш ахборот-кутубхона муассасалари меъёрий-ҳуқуқий базасининг заифлиги, ахборот-кутубхона фондларининг жамланиши ва техник жиҳозланиши етарли даражасида эмаслиги, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги туфайли юзага келди.

1-боб. Умумий қоидалар

Ушбу Концепция фуқароларнинг ижтимоий ҳолати ва яшаш жойидан қатъи назар, ахборотни эркин олиш ҳуқуқини ўрнатувчи, ахборот-кутубхона фаолиятини ҳамда маданият соҳасидаги сиёсатни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, республикада ахборот-кутубхона фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг профессионал ахборот-кутубхона ҳам-жамяти ахборот-кутубхона муассасаларига демократик ижтимоий-маданий институт, бугунги ахборот жамияти маданиятининг ривож ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ахборот базаси сифатида қарайди, шунингдек, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ҳолатини жамият маданияти даражасининг кўрсаткичи деб ҳисоблайди.

2-боб. Республикада ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳолати

Республикада ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларининг ривожланиши, аҳолининг ахборот-кутубхона хизматларидан фойдаланишининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-кутубхона фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий базаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5148-сон, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1487-сон, 2012 йил 20 мартдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1729-сон, 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон, 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4151-сон қарорлари.

Аҳолининг электрон ахборот ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ахборот-кутубхона муассасаларини бирлаштириш ва уларни ягона умумтаълим электрон кутубхона тизимига улаш, идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш мақсадида «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Республика ахборот-кутубхона муассасаларида босқичма-босқич замонавий ахборот ва электрон технологиялар татбиқ этилмоқда:

фойдаланувчилар учун автоматлаштирилган ишчи ўринлари сони кўпайтирилмоқда;

хусусий электрон маълумотлар базалари яратилмоқда;

фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматларининг янада сифатли янги турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун мамлакатнинг йирик ахборот-кутубхона муассасалари виртуал маълумотлар хизматидан фаол фойдаланмоқда, маданий ҳордиқ ва маърифий фаолиятни ривожлантирмоқда.

Бироқ ахборот-кутубхона муассасаларини жаҳон кутубхона ҳамжамиятига интеграциялаш, фойдаланувчилар ва аҳоли билан ишлаш, шу жумладан китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг инновацион усуллари татбиқ этиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти, шунингдек, уяли алоқа, кўплаб гаджетлар ва Wi-Fiнинг фаол ривожланиши, электрон китоблар ва «китоб ўқиш иловалари» (book reader) оқимининг ортиб бориши шароитларида фойдаланувчилар билан тизимли ишлар олиб борилмаяпти.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг катта қисми замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютерлар, нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси, ёнғиндан сақлаш сигнализацияси ва ўт ўчириш, иқлимни назорат қилиш воситалари, телефон алоқаси билан таъминланмаган, аҳолига, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларга ва олис, аҳолиси кам бўлган пунктларда хизмат кўрсатиш учун замонавий ускуналар мавжуд эмас.

Ахборот-кутубхона муассасаларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги ахборот технологияларини жорий этиш ахборот-кутубхона муассасаларига юқори малакали мутахассисларни жалб этишни тақозо этади, уларнинг меҳнат бозоридаги баҳоси эса ахборот-кутубхона муассасаларининг бугунги имкониятларидан анча баланд.

Ахборот-кутубхона муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг пастлиги, номувофиқ оғир меҳнат шароитлари ва уларга ишониб топширилган фондларни сақлаш масъулияти, малакали кадрларнинг ишдан кетиши, мамлакат маданий мулкни ва интеллектуал салоҳиятини сақлаш учун хавфли ҳисобланган кадрлар қўнимсизлигини вужудга келтирмоқда.

Бўш ўринларнинг кўплиги ва ходимлар етишмаслиги ишга олинаётган ходимларга қўйилаётган талаблар даражасини пасайтиряпти, бу эса малакасиз (кўп ҳолларда мутахассис бўлмаган) ходимларга кутубхоначи лавозимига ишга жойлашиш имконини бермоқда. Бу масалаларни мақбул тарзда ҳал этиш учун ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини қайта кўриб чиқиш зарур.

3-боб. Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишлари

Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг устувор мақсадлари — фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш, миллий ва жаҳон маданий бойликлари, амалий ва фундаментал билимлар билан таништириш, шунингдек, мамлакатимиз-

нинг ахборот-кутубхона муассасаларида мавжуд миллий-маданий меросни сақлашдан иборат.

Ахборот-кутубхона соҳасини самарали ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришиш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарур:

ахборот ва рақамли технологиялар ривожланиши ҳамда замонавий умумжаҳон тенденцияларни эътиборга олган ҳолда ахборот-кутубхона соҳасини ислоҳ қилишни жадаллаштириш;

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларининг ривожланиши, аҳолининг ахборот-кутубхона хизматларидан фойдаланишининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, хусусан янги бино ва иншоотлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш;

энг янги, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, корпоратив тизимларни ривожлантириш;

ахборот-кутубхона соҳасида давлат-хусусий шерикликни, мамлакатдаги хусусий ва рақамли (виртуал) ахборот-кутубхона муассасалари тармоғини ривожлантириш;

миллий ва жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ахборот-кутубхона муассасалари хавфсизлигини ва ахборот-кутубхона фондининг сақланишини таъминлаш;

жамиятнинг ахборот маданиятини, миллий тарих ва маданиятга қизиқишини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш ва тарғиб қилиш;

ахборот-кутубхона муассасаларини малакали ходимлар билан таъминлаш.

Белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона соҳасининг қуйидаги устувор йўналишларини ривожлантириш зарур:

қонунчилик базасини аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш вазифаларига мос равишда мувофиқлаштириш;

ахборот-кутубхона муассасаларини жамлаш механизмини яратиш, шу жумладан электрон ва бошқа ташувчиларда нашрлар ҳақидаги маълумотлар тизимини шакллантириш;

ахборот-кутубхона фондлари сақланишини таъминлаш;

янги ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, миллий ахборот-кутубхона тармоғини яратиш;

замонавий ахборот-кутубхона технологиялари асосида ахборот-кутубхона кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

ахборот-кутубхона хизматларининг янги, шу жумладан, пулли турларини жорий этиш ва ривожлантириш;

ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари самарали меҳнат қилиши ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун муносиб шароитлар яратиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

илмий-тадқиқот ва услубий фаолиятни ривожлантириш;

барча тизимлар ва идоралар ахборот-кутубхона муассасаларини бошқаришни мувофиқлаштириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва жаҳон ахборот-кутубхона ҳамжамиятига кириш.

4-боб. Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳал қилиш бўйича асосий вазифалар

1. Ахборот-кутубхона муассасаларини жамлаш механизмларини яратиш, ахборот-кутубхона фондлари сақланишини таъминлаш:

соҳани услубий таъминлаш ва энг янги технологияларни жорий этиш, ахборот-кутубхона фондларини сақловчи кадрлар, реставраторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ахборот-кутубхона фондларини сақлаш муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш;

фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фондларини шакллантиришга ёндашувларни тақомиллаштириш, фондларни тўлдириш, уларни жамлаш ва кейинчалик улардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда мажбурий нусхага эгалик ҳуқуқини белгилаш;

ахборот-кутубхона муассасаларини жамоат, тижорат ва хусусий нашриётлар нашрлари, чет элда яшаётган ватандошларимизнинг асарлари, шунингдек, Ўзбекистон ҳақидаги чет эл нашрлари билан таъминлаш учун шароитлар яратиш, республика ҳудудида яшовчи халқлар тилларидаги адабиётлар фондларини шакллантириш;

мажбурий нусха олиш, обуна, совға қилиш, сотиб олиш, кутубхоналараро ва халқаро китоб алмашиш тизимини жорий этиш, миллий ва хорижий онлайн ва офлайн электрон ҳужжатлари билан жамлаш, «эгалик қилиш» ва «эркин фойдаланиш» ўртасида мақбул мувозанатни яратиш ва бошқалар ҳисобига ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини янгилаш;

вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги ҳудудий ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини жамлаш, кенгайтириш, тўлдириш учун ажратиладиган маблағларни ўртача икки баробарга оширган ҳолда ахборот-кутубхона муассасалари фондига турли хилдаги ташувчилар орқали янги адабиётлар келишини таъминлаш;

нашрларга ишлов бериш ва уларни қидиришни автоматлаштириш тизимини жорий қилиш орқали ахборот-библиография фаолиятини тақомиллаштириш;

йиғма электрон каталоглар, тўлиқ матнли маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборот-кутубхона муассасаларининг Интернет тармоғига уланишини таъминлаш;

уяли алоқа воситалари орқали фойдаланувчиларга тақдим этиладиган хизматларни кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш, яратилаётган электрон ресурсларда мультимедиа контентлари улушини ошириш ва бошқалар;

ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот-кутубхона фондларини консервациялаш, фондлар ҳолати ва уларнинг сақланиш шароитлари мониторинги тизимини яратиш, сақлашнинг меъёрий тартибларини таъминлаш;

ҳужжатларни оммавий консервациялаш усулларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, консервация жараёнларига энг янги технологияларни жорий этиш, фавқулудда вазиятлар юзага келиш ҳолатлари учун ҳаракатларни режалаштириш ва таъминлаш;

ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот-кутубхона фондлари хавфсизлигини таъминлаш, ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот-кутубхона фондлари хавфсизлиги технологиясини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва услубий базани ишлаб чиқиш;

ахборот-кутубхона фондларини ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш, ахборот-кутубхона муассасалари фондларидаги барча турдаги ҳужжатларни ҳисобга олишни такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари ҳужжатларини ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш, ҳисобга олиш маълумотларига ишлов бериш ва автоматлаштирилган тарзда ишлов беришни ўзаро интеграцияловчи янги технологияларни жорий этиш, ҳисоб-статистика кўрсаткичлари тизимини яратиш;

фондлар, каталогларни сақлаш ва фойдаланиш, уларнинг лозим даражада ишлаши, шунингдек, фойдаланувчиларнинг хавфсиз ва қулай тарзда муассасада бўлиши учун ахборот-кутубхона муассасаларини замонавий ускуналар билан таъминлаш.

2. Янги ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, миллий ахборот-кутубхона тармоғини яратиш:

янги ахборот технологияларини жадал жорий этиш, шахсий компьютерлар паркини кенгайтириш, лицензияланган дастурий таъминот харид қилиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари техника базасини мустаҳкамлаш;

фойдаланувчилар учун автоматлаштирилган ўринлар сонини кўпайтириш;

фондларни, жумладан ўлкашунослик ва ноёб нашрларни рақамлаштириш;

мамлакатимизнинг барча аҳолиси ҳудудий, республика ва жаҳон ахборот-ресурсларидан масофадан туриб фойдаланиши учун имконият яратиш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаларини Интернет тармоғига улашни кенгайтириш;

сайтлар яратиш ва ахборот-кутубхона муассасаларининг виртуал маконда фаол иштирокини, аҳолига виртуал маълумот-кутубхона хизматларини кўрсатишни таъминлаш;

мамлакатнинг ахборот-кутубхона муассасалари ахборот ресурсларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини берувчи ягона ахборот-кутубхона порталини яратиш;

давлат ва қўшимча хизматларини кўрсатиш доирасида ахборот ва билимлардан фойдаланишни таъминловчи мавжуд замонавий рақобатбардош технологияларни такомиллаштириш ва янгиларини жорий қилиш;

илмий тадқиқотлар ва ўқув жараёнини ахборот билан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уяли алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳужжатларни электрон тарзда етказиб бериш ва виртуал маълумот хизмати тизимларини модернизациялаш;

жамоавий обунани кенгайтириш ва республика ахборот-кутубхона муассасаларига мунтазам равишда йиллик обуна учун маблағ ажратиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг инновацион фаолияти ва уларнинг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли билан самарали инновацион муносабатлар ва мулоқотни йўлга қўйиш, янгиликларни ишлаб чиқиш ва инновацияларни амалга ошириш учун инвестициялар, шу жумладан, хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан турли таълим, ижтимоий гуруҳлар, ёш тоифаларидаги фойдаланувчиларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга онлайн тарзда (24/7/365) тақдим қилинадиган электрон каталоглар, ҳужжатли ресурслар ва кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берадиган хизматлар яратиш;

ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларининг ахборот бора-сидаги билимларини ошириш, болалар, ўсмирлар ва ёшларга таълим хизматларини кўрсатиш орқали аҳолининг медиа саводхонлигини юксалтириш ва бошқалар;

3. Замонавий ахборот-кутубхона технологиялари асосида ахборот-кутубхона кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш:

кутубхона ходимларини ахборот-кутубхоначилик ишини модернизация қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш асосида уларга узлуксиз ахборот-кутубхона таълимини бериш тизимини яратиш, ахборот-кутубхона кадрларини масофадан туриб ўқитиш тизимини жорий қилиш ва бошқалар;

ахборот-кутубхона ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий фаолият олиб боровчи курслар ташкил қилиш, ҳам талабалар, ҳам ахборот-кутубхона ходимларини масофадан туриб ўқитиш курсларини ривожлантириш, ўқитувчи ва ассистентларнинг хорижий давлатлардаги етакчи илмий ташкилотларда (кутубхона факультетларида) стажировка ўташини ташкил қилиш, ахборот-кутубхоначилик иши бўйича илмий мактабларни ривожлантириш ва бошқалар;

кутубхоначилик иши соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрғаниш асосида соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларида «Кутубхона-ахборот фаолияти» йўналиши бўйича қабул квоталарини ошириш;

ахборот-кутубхона ҳамжамиятини касбий ахборот билан таъминлаш, янги ноширлик технологияларидан ва ахборот-кутубхона муассасалари фондидаги ноёб ҳужжатларнинг факсимилларидан фойдаланган ҳолда фундаментал библиографик қўлланмалар нашр қилиш, каталоглаштириш соҳа-

сида бир хил ишлар такрорланишининг олдини олишга ва республика ахборот-кутубхона муассасаларида каталоглаштириш сарф-харажатларини камайтиришга хизмат қилувчи кооперацияни амалга ошириш;

ахборот-кутубхона ходимларининг малакасини ошириш, тажриба алмашиш бўйича халқаро лойиҳаларда ахборот-кутубхона муассасаларининг иштирокини кенгайтириш ва бошқалар.

4. Ахборот-кутубхона хизматларининг янги турларини, жумладан пулли хизматларни жорий қилиш ва ривожлантириш:

фуқаролар электрон ахборот-ресурсларни алмашиши ва улардан эркин фойдаланиши учун йиғма электрон каталогдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, корпоратив ахборот-кутубхона тармоқларини ривожлантириш;

кутубхоналараро абонементнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва ҳужжатларни электрон тарзда етказиб бериш учун шарт-шароит яратиш, ягона ахборот муҳитини яратиш, таълим ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ахборот-кутубхона ресурслари ўзаро ҳамкорлигининг ягона механизмини ишлаб чиқиш, мамлакатимизнинг йирик ахборот-кутубхона ресурсларини ўзида бирлаштирган ягона қидирув тизимини яратиш.

5. Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари самарали фаолият кўрсатиши ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун муносиб шароитлар яратиш:

ахборот-кутубхона ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтириш (уй-жой сотиб олиш учун фоиизсиз кредитлар ажратиш), ахборот-кутубхона муассасаларининг барча тоифаларида тариф разрядини ошириш эвазига ягона тариф сеткасини модернизациялаш;

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори асосида соҳанинг бугунги эҳтиёжларига мувофиқ равишда ахборот-кутубхона муассасаларининг лавозимлари номенклатурасини кенгайтиришни кўзда тутиб, ахборот-кутубхона муассасалари ходимларининг тариф-малакавий тавсифларини қайта кўриб чиқиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг нормал ривожланишини кафолатлайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини таъминлаш;

ахборот-кутубхона муассасалари ходимларига кўп йиллик иш стажи учун қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш;

касбий унвонлар ва давлат мукофотларини таъсис этиш;

«Кутубхона аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш.

6. Кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш:

республиканинг барча ахборот-кутубхона муассасаларини тўлиқ хатловдан ўтказиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг авария ҳолатидаги, таъмирталаб бино ва иморатларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш;

ахборот-кутубхона муассасалари учун махсус бинолар қуриш;

ногиронилиги бўлган шахсларга сифатли хизмат кўрсатиш учун ахборот-кутубхона муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил қилиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, шу жумладан янги бинолар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.

7. Илмий-тадқиқот ва услубий фаолият:

ахборот-кутубхона фаолиятининг замонавий йўналишлари бўйича корпоратив амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

ахборот-кутубхона хизматларининг янги турларини жорий қилиш, ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва бошқалар;

идоралараро асосда ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг турли йўналишлари, шунингдек, МДХ ва хорижий давлатларнинг йирик ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликда замонавий рақобатбардош ахборот-кутубхона технологияларини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни олиб бориш;

илмий тадқиқот ва таълим жараёнини ахборот билан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

хужжатларни электрон тарзда етказиб бериш тизимини модернизация қилиш;

услубий қўлланмалар, тавсиялар, маслаҳат ёрдами кўрсатиш тизимини яратиш ва такомиллаштириш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг инновацион фаолияти ва уларнинг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли билан самарали инновацион муносабатлар ва мулоқотни йўлга қўйиш, янгиликларни ишлаб чиқиш ва инновацияларни амалга ошириш учун инвестициялар, шу жумладан, хусусий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қошида Ахборот-кутубхона фаолияти бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш кенгашини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш:

икки томонлама келишувлар тузиш асосида халқаро кутубхона ҳамжамияти билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро форумлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

халқаро китоб алмашиш, ахборот ресурсларини электрон тарзда алмашиш бўйича ҳамкорликнинг турли шакллари ривожлантириш ва жорий қилиш;

ийғма электрон каталогларни шакллантириш, маълумотлар банкларини ташкил қилиш;

халқаро лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, кутубхоналараро абонементни (хужжатларни электрон етказиб бериш) йўлга қўйиш;

республика, халқаро конференциялар ва семинарлар ўтказиш ҳамда шу каби халқаро тадбирларда иштирок этиш.

5-боб. Концепцияни амалга ошириш

Ушбу Концепцияни амалга оширишнинг асосий воситаси республикада ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ҳисобланади.

Ушбу Концепцияни тижорат ташкилотлари, ҳамкорлар, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда соҳага алоқадор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда республика миқёсида амалга ошириш назарда тутилган.

Концепцияни амалга оширишни мувофиқлаштириш китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ахборот-кутубхона фаолияти соҳаси бўйича махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан олиб борилади.

Концепция икки босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда (2019-2020 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади: худудий ахборот-кутубхона муассасаларини келгусида халқаро тизимлар билан интеграциялаш учун уларни ягона маълумотлар базасига улаш;

Миллий умумтаълим электрон кутубхона маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларида «Кутубхона-ахборот фаолияти» йўналиши бўйича қабул квоталарини ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида тақдим этилаётган хизматлар ҳажмининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, Миллий кутубхонанинг ташкилий тузилмасига кирувчи ходимларнинг намунавий штатлари ҳамда Ахборот-кутубхона маркази ва кутубхона тўғрисида намунавий низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасида, хусусий ва рақамли (виртуал) кутубхоналар тармоғида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

таъмирталаб ахборот-кутубхона муассасаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда уларнинг бино ва иморатларини қуриш;

«Кутубхона аълочиси» кўрак нишонини таъсис қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

хатлов ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаштириш, тадбирларни амалда ижро этиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлаш ва бошқалар.

Иккинчи босқичда (2021 — 2024 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади:

тарқатиш тизимини такомиллаштириш учун «Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

«Халқаро нашрлар алмашинуви тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш;

МДХ ва хорижий давлатларнинг етакчи тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қошида Кутубхоначилик иши бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ташкил қилиш;

ресурслар алмашинуви ва корпоратив ҳамкорлик ишини автоматлаштириш бўйича корпоратив тармоқни шакллантириш;

ахборот-кутубхона фаолияти бўйича тармоқ стандартлар, услубий қўлланмалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

туман (шаҳар) ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолиятини ташкил қилиш борасида давлат органлари ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлаш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда Концепцияни рўёбга чиқариш бўйича тадбирларни белгилаб олиш ва амалга ошириш.

6-боб. Ресурс таъминоти

Ресурс таъминоти, шу жумладан Концепцияда белгилаб берилган тадбирларни молиялаштириш масалалари ахборот-кутубхона муассасаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, кутубхоналарнинг хўжалик фаолиятдан тушган даромад қисми, ҳомийлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7-боб. Кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш мамлакат ахборот-кутубхона муассасаларининг янада ривожланиши ҳамда ахборот, маданий-маърифий макон доирасида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи ягона ахборот-кутубхона тармоғини яратишга имкон беради.

Режалаштирилган тадбирлар натижасига кўра, Концепцияни амалга оширишнинг биринчи босқичида қуйидагилар кутилмоқда:

2020 йилга қадар республиканинг туман ва шаҳарларида аҳолининг 86,0 фоизини қамраб оладиган 186 та замонавий ахборот-кутубхона марказини ташкил қилиш;

2020 йилга қадар кутубхоналарнинг 10 фоизини (21 та) ягона маълумотлар интерактив базасига улаш орқали Ўзбекистон ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигининг яхлит тизимини шакллантиришни бошлаш;

электрон китоблар фондини 1,2 миллион нусхагача кўпайтириш;

14 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

Иккинчи босқичда қуйидагилар кутилмоқда:

республиканинг 207 та кутубхонасини ягона маълумотлар интерактив базасига улашни яқунлаш орқали Ўзбекистон ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигининг яхлит тизимини шакллантириш;

электрон китоблар фондини 3,3 миллион нусхагача кўпайтириш;

21 та хорижий давлат билан ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш.

Бундан ташқари Концепция:

маданий, таълим ва ахборот инфратузилмасининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида муҳим ижтимоий ва коммуникатив вазифаларни бажарувчи ахборот-кутубхона муассасаларига мамлакатнинг иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиш имкониятини яратади;

миллий манфаатлар ва халқаро тажрибани ҳисобга олиб ахборот-кутубхона иши соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам беради (бу эса ахборот-кутубхона соҳаси тараққиётининг бугунги тенденцияларига мослашиш, шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларининг ривожланиши ва аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни кенгайтиришга сезиларли даражада таъсир кўрсатишга имкон яратади);

ахборот-кутубхона фондини жамлаш, шу жумладан электрон ва бошқа ташувчи ускуналарга йиғиш тизимини яратишга, кутубхона фондларини сақлашни таъминлайди, янги ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, миллий ахборот-кутубхона тармоғини такомиллаштириш ва ихтисослашган илмий тадқиқотлар олиб боришга, услубий қўлланмалар ишлаб чиқишни фаоллаштиришга имкон беради;

ахборот-кутубхона соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари ходимларининг самарали фаолияти, уларнинг ижтимоий ҳимояси учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади;

барча тизимлар ва идораларнинг ахборот-кутубхона муассасаларини самарали мувофиқлаштириш ва бошқариш, халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

443 Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 865-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 24 декабрда ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 22 декабрда тасдиқланган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
22-2019-қ/қ-қсон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июнда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
79-сон

Келишилган:

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

К. РАФИКОВ

2019 йил 27 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

444 Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбу-
рий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва
қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПК-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон қарори (рўйхат рақами 3002, 2018 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 17-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 августдан эътиборан кучга кирази.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 май,
11/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
18 майдаги 11/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-бандда:

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мажбурий резервларнинг ҳисоб-китоб даври — мажбурий резервларни сақлаш давридан олдинги ҳисобот оyi»;»

ўнинчи хатбошидаги «ўн тўрт» деган сўзлар «йигирма саккиз ёки ўттиз беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«сақлаш даври календари — мажбурий резервларнинг сақлаш даври-ни белгиловчи йиллик календарь.».

2. 2-банддаги «ҳамда ўртачалаш коэффиценти» деган сўзлар «, ўртачалаш коэффиценти ҳамда сақлаш даври календари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банддаги «ҳисоб-китоб даври тугаган кундан кейинги» деган сўзлар «сақлаш даври бошланиш кунидан олдинги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

445 Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3166*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича қурилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-банди ва унга 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати миқдорлари 2019 йилда 2,047 бараварга индексация қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 3, 2 ва 8-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахт-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 июнда эълон қилинган.

зорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3131, 2019 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2019 й., 10/19/3131/2529-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 май,
5-сон

Иқтисодиёт ва саноат вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 май,
13-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 май,
69-сон

Келишилган:

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 31 май

**Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси**

А. ХАИТОВ

2019 йил 31 май

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 31 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**446 Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида
телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидала-
рига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сон буйруғи (рўйхат рақами 1323, 2004 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
198-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил
27 майдаги 198-сон буйруғига
ИЛОВА

**Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида
телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимча**

1. 3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«абонент линияси — телефон станциясидан абонентнинг телефон апаратига боровчи, бутун узунлиги бўйича ўралган симлар жуфти;»;

тўртинчи хатбошидаги «абонент қурилмаси» деган сўзлар «охирги (терминал) қурилма» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«абонентнинг шахсий ҳисобварағи — абонент томонидан фойдаланиладиган алоқа хизматлари учун ҳақ тўлашга мўлжалланган, алоқа хизматларидан фойдаланишда абонент томонидан киритиладиган ва сарфланадиган пул маблағлари тўғрисидаги пул эквивалентида ифодаланган ахборотдан иборат бўлган телекоммуникация операторининг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидаги таҳлилий электрон ҳужжат;»;

ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи — йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбошидаги «олдиндан буюртмани қабул қилмасдан телефончи ёрдамида» деган сўзлар «буюртмани қабул қилгандан кейин телефончи ёрдамида зудлик билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги йигирма иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«олдиндан ҳисоб-китоб тизими — ҳисоб-китоб тизими, бунда хизматлар фақат абонентнинг шахсий ҳисобварағида телекоммуникация операторининг тариф режаси билан белгиланган етарли маблағлар бўлганда тақдим этилади;»;

йигирма иккинчи — йигирма бешинчи хатбошилар тегишли равишда «йигирма учинчи — йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирма тўртинчи хатбошидаги «абонент қурилмалари ўртасида алоқанинг ўрнатилиши. Телефон боғланишдан сўзлашувни юритиш ҳамда маълумотлар ёки факсимиль хабарларни узатиш» деган сўзлар «охирги қурилмалар ўртасида алоқанинг ўрнатилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-банднинг биринчи хатбошидаги «барча абонентларга» деган сўзлар «барча абонентларга қарздорлиги сабабли телефон алоқаси хизматлари узиб қўйилганда ҳам фойдаланувчилар томонидан тенг равишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 21-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ариза рўйхатга олингандан кундан бошлаб 10 кун ичида телекоммуникация оператори қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчига хабар қилиши керак.».

4. 24-банднинг иккинчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

5. 66-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «тўламаганда, бу ҳақда абонентни узиб қўйишдан камида 5 кун олдин телефон орқали хабар қилиб ёки ёзма равишда» деган сўзлар «тўланмаганда, бу ҳақда абонентни узиб қўйишдан камида 5 кун олдин телефон, ёзма ёки электрон хабар билан E-mail ёки SMS орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар абонент телефон алоқасидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилгандан кейин 60 кун ичида телефон алоқаси хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қарздорлигини ёпмаса, телекоммуникация оператори Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ бир томонлама тартибда Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда оператор абонентга мазкур банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошисида белгиланган усуллардан бири орқали камида 10 кун олдин хабар бериши керак;».

6. 89-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Абонент телекоммуникация оператори ёки провайдерининг Call-марказига қўнғироқ қилганда IVR (олдиндан ёзиб олинган овозли хабарлар тизими)ни эшитиш вақти ёки автоинформаторнинг аудио-хабарлари боғланишнинг тарификацияланадиган давомийлигига киритилмайди.».

7. 100-банддаги «бланкига киритилган» деган сўзлар «бланкига киритилган ёки автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 102-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«102. Телефон алоқаси хизматлари учун абонентга — юридик шахсга қўйидагилардан иборат ҳисоб тақдим этилади:»;

иккинчи хатбошидаги «оператори реквизитларининг номи» деган сўзлар «операторининг номи, банк реквизитлари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва тўққизинчи хатбошилардан «(олдиндан тўлов тўланганда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Абонент — жисмоний шахсга унинг талабига асосан ҳисоб-китоб қилинган хизматлар ва тўловлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.».

9. 107-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107. Ойлик телефон алоқаси хизматларини ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китоб (жорий) ойининг биринчи саналарида амалга оширилади. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларини ҳисоблаш, маҳаллий сўзлашувларни вақтбай ҳисобга олиш ва бошқа бир марталик тўловлар (масалан, пулли маълумотнома хизмати ва ҳ. к.) хизмат кўрсатишни тугатиш ва

коммуникация ускунаси орқали маълумотларни қайта ишлаш факти бўйича амалга оширилади.

Олдиндан ҳисоб-китоб тизимида ҳар ойлик хизматлар бўйича ҳисоблаш фақат абонентнинг шахсий ҳисобварағида телекоммуникация операторининг тариф режаси билан белгиланган етарлича маблағлар бўлганда амалга оширилади. Абонентнинг шахсий ҳисобварағида етарлича маблағлар бўлмаганда, телекоммуникация оператори абонентни мазкур Қоидаларнинг 66-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбошисида берилган усуллардан бири орқали огоҳлантириб, абонентнинг телекоммуникация операторининг тармоғидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

Ҳисоб-китоб тугагач, абонентларга барча хизматларнинг тўлови учун битта ҳисоб тақдим этилади. Ҳисобланган телефон алоқаси хизматлари учун тўлов ҳисоб-китобда кўрсатилган санадан кечиктирилмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобларни тўлаш муддати ҳисоб тақдим этилгандан бошлаб 20 кундан ошмаслиги керак.

Агар 15 кунлик тўлов муддати тугаганидан кейин тўлов амалга оширилмаса, абонентларга мазкур Қоидаларнинг 66-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбошисида берилган усуллардан бири орқали кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш зарурлиги тўғрисида хабар қилинади.

Хабар берилгандан сўнг абонент ҳисобланган хизматлар учун 5 кун ичида тўловни амалга оширмаса, телекоммуникация оператори абонент қурилмасини ўчириш йўли билан абонентнинг телефон алоқа тармоғидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Телекоммуникация оператори ва абонент ўртасида тўловни ундириш бўйича келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, келишмовчиликлар суд тартибида ҳал этилади.

Телекоммуникация тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш йўли орқали бегона шахслар томонидан телефон алоқаси хизматларидан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган келишмовчиликларда бажарилган сўзлашувларнинг кимга тегишлилигини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширилиши керак. Абонент текширув натижаларидан рози бўлмаса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.».

10. 1 ва 2-иловадан «М.Ў.» қисқартмаси чиқариб ташлансин.

11. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

***Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси***

Н. ШАРИПОВ

2019 йил 24 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

447 Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш
учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 27 ва 103-сон қарори (рўйхат рақами 2522, 2013 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 608-модда) билан тасдиқланган Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
77-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
65-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги
77, 65-сон қарорига
ИЛОВА

**Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш
учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. I бўлимдаги Омнопон позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Омнопон	инъекция учун эритма 1% 1 мл	».
	инъекция учун эритма 2% 1 мл	

2. V бўлимда:

а) Клозапин позициясидан сўнг қуйидаги позициялар билан тўлдирилсин:

« Трифлуоперазин	таблетка 5 мг	»;
	Флуфеназин	
	инъекция учун эритма 25 мг / 1 мл	

б) Хлорпромазин позициясидан сўнг қуйидаги позиция билан тўлдирилсин:

« Оланзапин	таблетка 5 мг	».
-------------	---------------	----

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

448 Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги 14-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2685, 2015 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 320-модда) билан тасдиқланган Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июнь,
9-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2019 йил 1 июндаги
9-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган
ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан
бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки
инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун
умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 15-банддан «ва яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 47 ва 55-бандлардаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 51-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Мактаб-интернат директори томонидан хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказилаётганлиги сабабли ўқувчилар сафидан чиқарилган вояга етмаганлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда ҳар ўқув йили чораклари охирида тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига (бошқармасига) ва вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга тақдим этилади.».

4. 54-банддаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

449 Чет тили бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш тарифини тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3167

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касб малакасини тасдиқлаш фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Чет тили бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш тарифи Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баробари миқдорида тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 июнь,
23-2019-Б-сон

Келишилган:

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 3 июнь

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 3 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**450 Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом-
нинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 569-модда) 5-банд олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган ихтиро ёки селекция ютуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги хулосаси олинади.»

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 май,
265/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**451 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 987-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 10 июндаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни (рўйхат рақами 987, 2000 йил 29 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги 07-31-4436-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 987, 2000 йил 29 ноябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июнда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июнь,
253-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**452 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2741-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 10 июндаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизимида инвестиция таклифларини ва истиқболли лойиҳалар паспортларини киритиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2741, 2015 йил 21 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги 07-31-4435-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 июнда эълон қилинган.

2015 йил 9 ноябрдаги 2015/23-10-сон, 104-сон ва 98-сон «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизимида инвестиция таклифларини ва истиқболли лойиҳалар паспортларини киритиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2741, 2015 йил 21 декабрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июнь,
254-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

453 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча пропис-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 июнда эълон қилинган.

ка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ–3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 71-сон буйруғи (рўйхат рақами 2358, 2012 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 210-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 май,
120-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги
120-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент
шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«Доимий пропискага эга бўлиш учун фуқаролар давлат хизматлари кўрсатишнинг соддалаштирилган тартибини таъминлайдиган электрон тизим орқали мурожаат қилишлари мумкин.».

2. 4-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

3. 5-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

4. 6-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

5. 7-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);».

6. 8-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

7. 9-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

8. 10-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

9. 11-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

10. 13-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

11. 14-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

12. 15-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

13. 16-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайта-рилади);».

14. Қуйидаги мазмундаги 35¹ — 35⁵-бандлар билан тўлдирилсин:

«35¹. Фуқаро рўйхатдан чиқиш учун ТШИИББ МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

мудофаа ишлари бўлимидан ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида белги бўлган ҳисоб-ҳарбий ҳужжатлар;

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3 — 5-иловаларига мувофиқ уй дафтари ёки қайд этиш карточкаси ва квартиралар бўйича карточка;

рўйхатдан чиқарганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

35². Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни рўйхатдан чиқариш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

35³. Вафот этганлар ўлим қайд этилганидан кейин рўйхатдан чиқарилиши лозим.

Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

35⁴. Пропискадан ўтиш ёки рўйхатдан чиқарилганлик суд қарорига кўра шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

35⁵. Рўйхатдан чиқарилганда ёки рўйхатдан ўтганлик бекор қилинганда МваФРБ инспектори уч кун муддат ичида Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ манзил-маълумотлар бюросига кетиш варақларини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-иловасига мувофиқ юборади.».

15. Қуйидаги мазмундаги 38¹ — 38³-бандлар билан тўлдирилсин:

«38¹. Мулкдор ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойга ўз оила аъзоларини ва бошқа шахсларни пропискадан ўтказиш ҳуқуқига эга.

38². Бир нечта уйга ёки квартирага эга бўлган мулкдор улардан фақат биттасигагина доимий пропискадан ўтиши мумкин.

38³. Ҳарбий хизматга мажбур шахсларни прописка қилиш улар мудофаа ишлари бўйича бўлимларда ҳарбий ҳисобга қўйилганларидан кейин амалга оширилади. 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган фуқаролар ҳарбий ҳисобга қўйилишлари керак.».

16. Қуйидаги мазмундаги 40¹ ва 40²-бандлар билан тўлдирилсин:

«40¹. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида доимий пропискага эга бўлиш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.

40². Фуқарони прописка қилиш ва пропискадан чиқариш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.».

17. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

18. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

А. АЗИЗОВ

2019 йил 3 май

(бошлиқнинг резолюцияси, имзо ва сани)

ТШҲИБ МвФРБ бошлиғига

Доимий прописка қилиш тўғрисида

АРИЗА

Фамилияси _____

Исми _____ Отасининг исми _____

Туғилган сани _____ Туғилган жойи _____

Қардан келди _____

(минтақа ному)

Келиш мақсади _____

(ўз уй-жойига, қариндошларга, васий (ҳомий)га, ишга, ўқишга ва бошқа сабаблар)

Қуйидаги манзил бўйича пропискага қўйишни сўрайман: _____ тумани (шаҳар), _____ кўчаси _____ (қўртал) _____ уй _____ корпус _____ қўртира.

Тулар жой _____ томонидан берилди.

(сўлат-сўлди шарт номани, ордер, рақам ва қўн ва қўн томонидан берилган, уй-жой мулкдори Ф.И.О. ва уй-жой берган ташкилот ному)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларим ни пропискага қўйишни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қардан келди

Ариза берувчи ёки ишончли шахснинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил «__» _____

Изоҳ: вояга етмаган ариза берувчилар учун ота-оналар, васий (ҳомий)лар ишончли шахслар ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

454 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бўяраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 16 майдаги 79-сон буйруғи (рўйхат рақами 2804, 2016 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 321-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 май,
121-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги
121-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент
шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан бир йил муддатга амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш учун асос ҳисобланмайди. Доимий пропискадан ўтмаганлик турган жойи бўйича ҳисобга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.».

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кунидан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) (бундан буён матнда ТШИИБ деб юритилади) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлинмасига) (бундан буён матнда МваФРБ деб юритилади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;
паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамдаги икки донна расм — 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар, шунингдек мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарида яшовчи ўқувчиларидан ташқари);

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки

мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса ушбу банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошидаги ҳужжатлар талаб этилмайди.».

3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин ТШИБ МваФРБ инспектори фуқаронинг аризасини мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида рўйхатдан ўтказди, уларни ўрганиб чиқади ҳамда ўша куннинг ўзида ариза берувчига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8 ва 9-иловаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга қайд варағи (бундан буён матнда қайд варағи деб юритилади) ёки BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағини беради.

Қайд варағи қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади. Қайд варағи ҳамда BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир).».

4. 9-банддаги «турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари)» деган сўзлар «ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 13-банддаги «ўқиш даврига (таълим давомийлигини назарда тутувчи муддатга)» деган сўзлар «турар жойи (уй-жой майдони) бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 16-банднинг биринчи хатбошисидан «ва қайд варағи олиб қўйилишини таъминлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 23 ва 24-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш мазкур Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш жойи бўйича турган вақтида мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

шахсининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бундан буён бўлиши жамоат тартиби бузилиши учун шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олишни расмийлаштиришнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади.

24. Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриши рад этилган тақдирда МваФРБ инспектори томонидан хулоса ту-

зилади, ушбу хулоса МваФРБ бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриши рад этилган тақдирда, уларга рад этишнинг аниқ асосларини келтирган ҳолда бир сутка мобайнида хабар қилиниши лозим.

Ҳисобда туришни расмийлаштиришнинг рад этилиши юзасидан суд тартибда шикоят қилиш мумкин.».

8. 26 ва 27-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. МваФРБ инспектори ариза берувчига қайд варағи бергандан кейин ҳисобга қўйилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни МваФРББнинг компьютер маълумотлар базасига киритади.

МваФРБ инспектори фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги келиш варақасини мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда тўлдиради ва бир сутка мобайнида уларни Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБнинг манзил-маълумотномалар бюросига юборади.

27. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа ташкилотларнинг масъул шахслари 12 соат мобайнида ушбу ташкилотларга келган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Интернет тармоғи орқали ихтисослаштирилган электрон автоматлаштирилган дастурга киритиб қўядилар.

МваФРБ фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар компьютер маълумотлар базасига киритилгандан кейин уларни реал вақт режимида маълумотларни узатишнинг идоровий тармоғи бўйича ИИБ МваФРББнинг марказий маълумотлар базасига юборади.».

9. 28-банд ҳамда 7 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. Қуйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Фуқарони ҳисобга олиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.».

11. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Нотурар жой биноларга фуқароларни доимий прописка қилиш ва ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар истисно тариқасида нотурар жой биноларга ҳисобга олиниши мумкин.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.».

12. Қуйидаги мазмундаги 35¹-банд билан тўлдирилсин:

«35¹. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.».

13. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 2 май

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2019 йил 2 май

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАЖИДОВ

2019 йил 2 май

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2019 йил 2 май

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган
жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

(бошлиқнинг резолюцияси, имзоси ва саноғи)

ТШҲИБ МваФРБ бошлиғига

Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
АРИЗА

Фамилияси _____ Исми _____
Отасининг исми _____
Туғилган санаси _____ Туғилган жойи _____
Қаердан келди _____
(минтақа номи)

Келиш мақсади _____
(ишга, ўқинишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)

Қуйидаги манзил бўйича ҳисобга олишингизни сўрайман:
_____ туман (шаҳар) _____ кўча _____ (қўртал) _____ уй _____ корпус _____ кваттира.
Турар жой _____
(уй-жой мулкдори ёки ижарага берувчининг Ф.И.О. (қариндошлик даражаси)

_____ томонидан берилди.

(ва уй-жой берган таъкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги қариндошларимни ҳисобга олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Менга турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби ва муддати тушунтирилди.
_____ серияли _____-сон қайд варағини олдим.

Ариза берувчи ёки ишончли шахснинг Ф.И.О.

Имзо _____ 20__ йил «__» _____

Изоҳ: вояга етмаган ариза берувчилар учун ота-оналар, васий (ҳомий)лар ишончли шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 8 июндан 14 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 22-2019-қ/қ-сон, 79-сон «Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 865-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 18 майдаги 11/8-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 5, 13, 69-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3166.

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 27 майдаги 198-сон «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-7.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 77, 65-сон «Амбулаторияда даволанишда

имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-2.

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2019 йил 1 июндаги 9-мх-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685-1.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 3 июндаги 23-2019-Б-сон «Чет тили бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш қийматининг чекланган даражасини белгилаш тарифини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3167.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 майдаги 265/7-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-2.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 253-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 987-1.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 254-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2741-1.

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 120-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2358-2.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 121-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 10 июндаги 245-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3131, 2019 йил 23 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 10 июндаги 247-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 987, 2000 йил 29 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 253-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизимида инвестиция таклифларини ва истиқболли лойиҳалар паспортларини киритиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2741, 2015 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 254-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.